

Аёллар ўз зийнатларидан закот берадиларми?

14:57 / 26.04.2016 3148

Аёллар ўз зийнатларидан закот берадиларми?

Аёлларнинг зийнатлари тилло кўмишлардан бўладиган бўлса ва ўша зийнат буюмлари нисобга етиб ундан ўтса Ханафий мазҳаби бўйича закот берилади. Чунки нисобга етиш 85 грамм тилло ва ундан зиёда бўлса етган бўлади. Ана шу оддий ҳолатдан ортиқча ясан-тусан қилишга имкони борлигини далолати бўлади ва у хоним закот беришлари керак бўлади. Ва бу жуда яхши бир имконият ибодат қилишга, Аллоҳга тақво қилишга, ана ўша нарсани тақинчоқлари кўп хонимлар тушуниб етишлари, закотларини ўз вақтида беришлари ниҳоятда бир матлуб бир иш бўлади.